

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 5 (10.310)

2005 ЙИЛ 6 ЯНВАРЬ

### ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

#### ҚИСКА

● **ШАХРИМИЗДА** фаолият юритаётган Куролли кучлар музейида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими ва Тошкент бирлашган техника мактаби ҳамкорликларида ҳарбий наққирқ ёшига етмаган ёшлар иштирокида **КЕЧА** уюштирилган тадбир Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди.

● **87-ЁРДАМЧИ** мактабда ҳамда 560-Реабилитация марказида уюштирилган арча байрами тадбирида меҳрга ташна болалар иштирок этишди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги ёлғиз қарияларга Янги йил муносабати билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими томонидан совғалар тарқатилди.

● **ЎТГАН кунни «Туркистон»** саройида Маданият ва спорт ишлари, Мудофаа вазирликлари ҳамкорликларида уюштирилган тадбир Ватан ҳимоячилари кунини муносиб ҳарош олиш масаласига бағишланди.

● **ХАЛКЛАР** дўстлиги майдонида, Ўзбекистон Давлат циркида, Сайилгоҳ кўчасида, «Туркистон» саройи майдонида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорликларида болаларлар учун уюштирилган арча байрами тадбирлари ниҳоясига етди.

● **БУГУН** Тошкент Давлат тўқимачилик ва енгил саноат институтига Яқкасарой туманидаги мактабларнинг «Камолот» сардорлари таширф буюрди. Бу тадбир ўқувчиларни институт фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати  
ва ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайиб бормоқда. Қуришларга эса сифатли, кўркам, рақобатдош материаллар зарурлиги ҳеч кимга сир эмас. Аини бу юмушни Мирзо Улуғбек туманидаги «INSOF-RI» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси жамоаси муваффақиятли адо этмоқда.

**СУРАТДА:** қўшма корхонанинг етакчи мутахассислари Андрей Кубекин ва Сервер Закеряевларни (чапдан ўнгга) иш жараёнида кўриб турибмиз.



### САМИЙ УЧРАШУВЛАР

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Эрон Ислом Республикасининг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Ориф Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содик Сафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари давомида имзоланган ҳужжатлар муҳим омил бўлаётгани алоҳида қайд этилди. Томонлар ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтириш, минтақамизда, хусусан Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шу кунни Муҳаммад Ризо Ориф Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Унга мазкур институтининг Фахрий доктори унвони берилди.

Меҳмон институтида ташкил этилган Эрон санъати ва маданияти курғазмаси билан танишди. Юртимизда хорижий тилларни, жумладан, форс тилини ўрганишга бўлган қизиқишга юскак баҳо берди. Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлиб, ундаги нодир экспонатларни томоша қилди.

Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасида 5 январь кунни Трансафгон йўлагини барпо этиш бўйича Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

### ДАВЛАТЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Унда мазкур уюшма бошқаруви раиси Равшан Файзуллаев, Эрон Ислом Республикаси йўл ва транспорт вазири Аҳмад Содик Буноб ва Афғонистон жамоат ишлари вазири Сухроб Али Сафарий раҳбарлигидаги уч мамлакат делегациялари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатларимиз ўртасида транспорт ва коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни янада жадаллаштиришга оид масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон ўртасида транспорт коммуникациялари соҳасидаги алоқалар жадал ривожланаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёдан Афғонистон орқали Форс кўрғазига, Эрон бандадоргоҳларига чиқадиган Трансафгон йўлагини барпо этиш ташаббуси Эрон ва Афғонистон раҳбарлари томонидан юқори баҳоланган ва қўллаб-қувватланган. Давлатимиз раҳбарининг 2003 йил июнь ойида Эронга расмий ташриф чоғида мазкур йўлакни барпо этиш борасида кўп томонлама келишувга эришилган — Халқаро транспорт йўналишлари тўғрисидаги битим имзоланган эди.

Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳам мазкур ҳужjatга асосан ташкил этилганди.

Термиздан бошланиб, Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Хирот шаҳарлари орқали Эроннинг Бандар-Аббос ва Чобаҳор бандаргоҳларига туташадиган Трансафгон йўлагининг барпо этилиши минтақадаги барча давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очиб берган бирга, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим омил бўлади.

Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мазкур кенгашнинг низоми қабул қилинди.  
**Ф.АРЗИЕВ,**  
ЎЗА МУХБИРИ

### ҲАЖ ЗИЁРАТИ БОШЛАНДИ

Истиклол шарофати билан мамлакатимизда миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Ҳар йили минглаб ватандошларимиз ҳаж амалларини адо этиш имкониятига эга бўлишди. Бу йил ҳам тўрт минг нафардан зиёд юрдошимиз муборак ҳаж сафарига отланди.

5 январь кунни Тошкент аэропортидан беш юз нафарга яқин ҳамюртимиз Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

— Мухтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ҳаж зиёратига борувчиларга тобора кенг қўлайлик ва шарт-шароитлар яратилмоқда, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбари, муфтий Абдурашид Баҳромов. — Хусусан, авваллари юрдошларимиз Жидда шаҳрига, у ердан эса авто-

бусларда Мадинаи мунавварага борган бўлсалар, бу йил ҳамюртларимиз ўтирган самолёт тўри Мадина аэропортига кўнади.

Уларга ҳар томонлама қўлайлик яратиш мақсадида бир неча кишидан иборат ишчи гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетган. Гуруҳ аъзолари ҳамюртларимизни қўлиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш, транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ барча мас-

аларни ҳал қиладилар.

Умид қиламизки, ҳамюртларимиз муборак ҳаж сафарини адо этиш чоғида мустақил мамлакатимизнинг тинчлик-осойишталигини, доимо барқарор ривожланишини, Ортбошимиз Ислом Каримовнинг эл-юрт фаровонлиги йўлида олиб бораётган барча хайрли ишларини доимо Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватлашини сўраб дуо қиладилар.

**Олим НОРБЕКОВ,**  
ЎЗА МУХБИРИ

### XXI сағоси

Барча малбалардан  
олинган сўнгги хабарлар

#### Мамлакатимизда

● Тошкент Инновацион институтлар миллий уюшмаси ва республика қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш маркази томонидан мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг энг фаол катнашчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг Матбуот маркази Андижон вилояти оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув ўтказди. Тадбир чоғида журналистлар ва солиқ соҳаси ходимлари аҳолини солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар билан таништиришни, солиқларни ўз вақтида тўлашининг фойдаси хусусидаги маълумотларни етказишни яхшилаш тўғрисида ўзаро фикр алмашишди.

● Мамлакат қора металлургияси ривожиди иккиламчи хом ашё — металл парчаларини йиғиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш алоҳида ўрин тутади. Хусусан, ўтган йил якунларига кўра «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига 65 миң тоннадан ортиқ қора металл парчалари топширилди.

● Қизилкум бағрида жойлашган Томди туманида янги «Ипак йўли» номли кичик корхона фаолият бошлади. Бу ерда тўқилаётган нарсалар фақат туя жунидан тайёрланмоқда.

#### Жаҳонда

● Украина Президенти Леоид Кучма Бош вазир Виктор Януковичнинг истеъфосини қабул қилди. Бош вазир вазифасини бажарувчи этиб Николай Азаров тайинланди.

● Фаластин мухторияти бош вазири Аҳмад Курей қуролланган гуруҳларни Исроил объектига қўлбола ракета ва снарядлар отишни тўхтатиш ва кураш стратегиясини кўриб чиқишга чақирди.

● БМТнинг Болалар фонди халқаро ҳамжамиятни Ҳинд океанидаги цунами натижасида етим бўлиб қолган болаларга диққат-эътиборни қаратишга чақирди.

● МАГАТЭ Мисрда ядро қурулини яратишга олиб келиши мумкин бўлган махфий тажрибалар ўтказилганлиги тўғрисидаги далилларни топди.

● Германияда жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси дунёдаги энг кучли миллий чемпионатларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра Ўзбекистон чемпиони 57-ўринни эгаллади.

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ  
**Аҳмеджанов Маҳамат-жон Аҳмедович**

Тошкент шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

**Иқтисодий**

**ЯНГИЧА  
УСЛУБДА**

Халқ хунармандчилигининг йўналиши — темирчилик соҳасида янгича услубда иш олиб бораётган Турсунбой Эргашев шогирдлари ёрдамида ишлаб чиқараётган маҳсулотлари харидорларини топмоқда.

Албатта, «Хунарлининг қўли гул» деган нақл бежизга айтилмаган. Хунарни намоён этиш, эл-юрт олқишини олиш учун эса кунт, чидам, нозик дид, унга санъат дея қарамоқ даркор. Ана шуларни ҳисобга олган Турсунбой Эргашев темир ва ёғочдан унумли фойдаланган ҳолда мебель маҳсулотлари ҳамда турли халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқармоқда. Шуниси қувонарлики, унинг хонадонлар, ошхона ва офис, корхона ва ташкилотлар учун мўлжалланган стол-стул, ўриндик ва каравотлари ўзига хослиги, бир-бирини такрорламаслиги билан ажралиб туради.

— Энг муҳими, биз тайёрлаётган маҳсулотлар четдан келтирилган ана шундай товарлардан сифати ва кўриниши билан асло қолишмайди, — дейди Миробод туманининг «Энг яхши хунарманди» Турсунбой Эргашев. — Улар билан бемалол рақобатлаша олган ҳолда нархи бирмунча арзондир. Ҳозирги кунда маҳсулотларимиз тури 120 хилдан ортиб кетди. Республикамининг турли вилоятларидан буюртмалар тушмоқда. Хунаримизни ишга солиб ҳар бир маҳсулотнинг кўз илғамас жойларига ҳам маҳорат билан безак берамиз. Бу эса муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда. Мақсадимиз ҳам миллий хунармандчилик ривожига, ҳам иқтисодиётимиз юксалишига муносиб ҳисса қўшишдир.

**ЖАҲОН  
АНДОЗАЛАРИГА  
МОС**

Сифатли маҳсулот ўз харидорини топиши баробарида, ҳақиқий баҳосини ҳам олади.

«Тўхтаниёз ота» корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам ички бозорда сифати билан ажралиб туриши баробарида жаҳон стандартларига ҳам мослиги муваффақиятлари асосини ташкил этмоқда. Бунинг исботи корхонада тайёрланган маҳсулотлар ўтган йил Франциянинг Париж шаҳрида сифат бўйича ўтказилган халқаро анжуманда голиб деб топилди, «Олтин сифат» белгиси совриндори бўлди.

Корхонанинг фермер хўжалигида 100 бош қорамол ва 5640 та парранда боқилмоқда. Ана шуларни парвариш-лаш асосида етиштирилган гўштин қайта ишлаш асосида колбаса маҳсулотлари тайёрланмоқда. Тадбиркорларга берилаётган молиявий кўмакдан фойдаланган корхона жамоаси «Пахтабанк» орқали кредит олиб, унга Италиянинг «YERIPACK» фирмасидан сосискаларни қадоқловчи линия келтириб ўрнатди. Натижада маҳсулот турлари кўпайиб, сифати янада ортди.

**Шарофат БАХРОМОВА**

**ЮҚОРИ СИФАТЛИ, ЭКОЛОГИК  
ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР**

Бугунги кунда иқтисодиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшаётган маҳаллий корхоналар билан бир қаторда, чет эл инвестициялари жалб этилган кўшма корхоналарнинг ҳам ҳиссаси катта. Пойтахтимизда фаолият юритаётган «DESK INVEST» Ўзбекистон-Австрия кўшма корхонаси ҳам ана шундай ҳамкорлик асосида ташкил этилган корхоналардан биридир.

Ҳар икки томон сармояси билан бирга, улар вакилларининг ишбилармонлиги ва тажрибаси уйғунлашган мазкур корхонанинг фаолияти металл черепица, турли шаклдаги том ёпиш қоғламалари ва ашёларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимиз қурилиш индустриясида сезиларли ўзгаришлар юзга келди. Бу эса аввало хорижий инвестицияларнинг кираб келиши, замонавий технологик жараёнларнинг жорий этилиши ҳамда ўзимизда қурилиш ашёларининг ишлаб чиқарилиши билан бевосита боғлиқдир. Бунга эса шахримизда қад ростлаган замонавий иншоотлар, кўркам бинолар яққол мисол бўла олади.

Ана шундай иморатлар чиройига чирой қўшаётган ушбу корхонанинг таъсисчиси австриялик «Вега маркетинг»

компанияси президенти жаноб Карл Шмидт бўлиб, корхона шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Осие-гранит» ва «Қурилиш бутлаш хизмати» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда АҚШ фуқароси тадбиркор Марк Хушманд сармоялари ҳисобидан шаклланди.

Ҳозирда қурилиш ашёлари, айниқса том учун мўлжалланган қопламаларни ишлаб чиқариш билан бир нечта маҳаллий корхоналар шуғулланмоқда. Аммо бозордаги талаб уларнинг имкониятларидан устун бўлиб қолмоқда. Айни пайтда «DESK INVEST» маҳсулотлари жохон андозалари бўйича Финляндияда лойиҳалаштирилган ва йиғилган металлни турли шаклда кесишга мўлжалланган дастгоҳларда ишлаб чиқаришмоқда. Корхона ушбу замонавий техника-технологиялар орқали йилига 6 минг тон-

на металлни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган металл черепицалар, қопламаларда ҳақиқий фин сифати яққол кўзга ташланиб туради.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, сифати жиҳатдан хориждан келтирилаётган турдош маҳсулотларга тенг бўла оладиган корхона металл черепицаларининг таннархи ҳам бошқаларга нисбатан икки баравар арзон.

Кўшма корхона маҳсулотлари юқори сифатли бўлиши билан бирга шунингдек, экологик жиҳатдан тоза, эстетик бежирим кўринишга эга. Шу боисдан ҳозирда ушбу маҳсулотлар магистрал кўчалар атрофида барпо этилаётган объектлар, хусусан уй-жойлар тоmlарида кенг қўлланилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё яъни цинк ишлови берилган туңука корхонага Новолипецк металлургия комбинатидан келтирилади. Ташкил топганига ҳали бир ярим йил бўлмаган корхона ички бозоримизда ўзининг доимий харидорларига эга бўлди. Шунингдек, ҳамкорликдаги корхона маҳсулотларини Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Афғонистон давлатларига ҳам экспорт қилиш кўзда тутилган.

**Орзуғул РУСТАМОВА**

**АНИҚ  
РЕЖАЛАР  
АСОСИДА**

Пойтахтимизда ўтган йилни яхши натижалар билан яқунлаган, ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш асосида маҳсулотлари турини кўпайтирган корхоналар аниқгина.

Чилонзор туманида салкам тўққиз йилдан буён фаолият юритаётган «OL-SI» масъулияти чекланган жамияти учун ўтган йил муваффақиятли бўлди. Ички бозоримизни чуқур ўрганиб, аниқ режаларни белгилаган ҳолда иш юритган жамият аъзолари ҳозирги кунга келиб 20 турдан ортиқ сифатли маҳсулотлари билан нафақат шаҳримизда, балки республикаимизнинг турли вилоятларида кўплаб мижозларини мамнун қилмоқда.

Мазкур корхонада металлдан тайёрланаётган, ўзининг осон йиғилиши, ишлатишда қудайлиги ҳамда узоқ йиллик қафолати билан ажралиб турувчи турли ҳажм ва шакллардаги сифатли дарвозалар, кўркам панжаралар, корхона, офис, фирмалар учун шкаф, касса, тўсин ҳамда турли-туман



жиҳозлар ишчи-хизматчиларнинг ғайрат-шижоати, малакаси ҳамда янгилликка ўчлигиндан далолатдир.

Жамиятга қарашли тажриба лабораториясида синовлар бирон кун бўлса-да, тинчмайди. Ўтган йили бир нечта янгилликка қўл урилиб, муваффақиятларга эришилди. Яъни, ўз ишини усталари бўлган тажрибали ишчилар ҳамда ташаббускор ёшлар ҳамкорликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган дастгоҳ ва ускуналар тайёрлашди ҳамда улар синовдан муваффақиятли ўтди.

Шунингдек, харидоргир қурилма — қўзиқорин ишлаб чиқариш учун қулай бўлган мажмуа ҳам синовда яхши баҳо олди. Эътиборли томони, корхона цех-

ларида ўзимизнинг дастгоҳ ва ускуналардан фойдаланилади. Шунингдек, зарур бўлганда уларга эҳтиёт қисмлар шу ернинг ўзиде тажрибали, олий тоифали ишчилар томонидан тайёрланади.

Янги йилда ҳам корхона жамоасининг ниятлари бисёр, мақсадлари улкан. Мақсад аниқ бўлган эса барча ҳаракатлар шунга қаратилди. «OL-SI»чилар жорий йилда ички бозоримиздан сифатли маҳсулотлари мўқим ўрин эгаллаши учун астойдил бел боғлаганлар.

**Муқаддас АБДУРАСУЛОВА  
СУРАТДА: «OL-SI» масъулияти чекланган жамиятининг 6-тоифали тоқари Валерий Окуев иш устида.  
Ҳақимжон Солиқов олган сурат.**

**ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида «Энг яхши мутахассис» учинчи республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда «Энг яхши батальон командири», «Энг яхши взвод командири», «Энг яхши гурӯҳ командири», «Энг яхши сержант» йўналишини бўйича голиблар аниқланди.

Мазкур тадбирда Мудофаа вазирлиги, Ички Ишлар вазирлигининг Ички ва қорувул қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари қатнашди.

— Бундай кўрикни ўтказишдан мақсад ҳарбий хизматнинг нуфузини янада ошириш, Ватанга бўлган муҳаббатни камол топтирувчи замонавий ҳарбий аъёналарни шакллантириш, ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро соғлом муносабатларини қарор топтиришди, — деди Мудофаа вазирлиги матбуот котибияти бошлиғи, полковник Раҳимжон Нурназаров. — Тадбир давомида кичик ва ўрта бўйин командирлари ўзларининг касбий маҳоратларини оширади. Ҳарбий билим ва амалий кўникмаларини янада мус-

тақамлайди. Бундай тадбирлар Қуролли Кучлар шахсий таркибида ҳарбий тайёргарликнинг янада тақомиллашишига хизмат қилади.

Танлов уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқич йил давомида қисм ва ҳарбий-таълим ўқув даргоҳларида, иккинчи босқич эса ҳарбий округ ва унга тенглаштирилган бирлашмаларда бўлиб ўтди. Учунчи финал босқичда голиблар ҳарбий округ ва Қуролли Кучларнинг бирлашмаларида аниқланди.

«Энг яхши мутахассис» кўрик танловининг голиблари 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилишда тақдирланди.

**Хусан СУЛАЙМОНОВ,  
«Туркистон-пресс»**

**Транспорт**

**ХУШ КЎЙФИЯТ  
УЛАШДИЛАР**

Байрам арафасида «Ташшаҳарйўловчигранс» акциядорлик компанияси тасарруфидаги «8-автосарой» очик турдаги акциядорлик жамияти жамоаси ҳамшаҳарлар ҳамда пойтахтимиз меҳмонларига хушкўйфият улашди. Мазкур жамоада барча иш йўловчиларни қишки мавсумда бехатар кўзлаган манзилларга элтиш, уларга намунали хизмат кўрсатишни ташкиллаштиришга қаратилганлиги эътиборга сазовор. Айниқса, қиш фаслининг ёғин-сочинли, аёзли ҳамда қисқа кунларида йўловчиларнинг хавфсизлиги, транспорт воситаларининг ўз вақтида аварияларсиз ҳаракатланишига автокорхона раҳбарияти алоҳида жиддий эътибор қаратади.

Ушбу жамоа раҳбарияти ўтган йили бошланган хайрли ташаббус орқали, яъни автосаройга қарашли 51-автобус йўналишида Қорбобо — ҳайдовчи ва Қорқиз — чиптачи Янги йил байрами муносабати билан бир неча кун йўловчиларни хушнуд этишганди. Бу гал эса корхона раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан 5 кун давомида автосаройнинг барча 11 та йўналишларида Қорбобо билан Қорқиз либосларидаги ҳайдовчи ва чиптачиларни шахримиз марказида ҳам, чекрақда ҳам учратиш имконияти туғилди.

Масалан, 10, 28, 51, 67, 115- ва бошқа кўплаб йўналишлар сардорлари чиптачилари билан Янги йил либосларида йўловчилар хизматида бўлдилар ҳамда жажжигина болажонлардан тортиб, кексаларга ҳам бирдай завқ-шавқ, шоду хуррамлик бахш этдилар.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бу каби хайрли ташаббусни амалга ошираётган жамоа аҳолига Янги йилда янги зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Муқаддас  
УМАРБЕКОВА**

## Саъдий УСТОЗ РАССОМГА ЭҲТИРОМ

Машхур мўйқалам устаси Павел Беньков ўзининг кўп йиллик ижодий фаолиятини ўзбек диёри билан боғлаган устоз рассом ҳисобланади. У 1928 йили Россиядан Бухорога келиб, ўз иқтидорини намойиш этишни давом эттирди.

Бу орада у республикамизнинг ажойиб манзараларини ўз бадийиёт полотноларида нафис акс эттирди. Кўплаб маҳаллий рассомларга устозлик қилди.

Бугунги кунда Тошкентдаги республика бадийиёт рассомчилик коллежи унинг номи билан аталмоқда.

Ана шу атоқли санъаткор таваллудига 125 йил тўлди. Шу муносабат билан жойларда маданий тадбирлар амалга оширилмоқда. Беньков номидаги ўқув даргоҳида унинг асарларидан иборат кўргазма ҳам очилди.

## ИЖОДИЙ САРҲИСОБ

Ўзбекистонлик истеъдодли ёш композитор Дмитрий Янов-Яновский учун ҳам 2004 йил самаранди бўлди. Яқинда Германияга қилган сафари унинг навбатдаги ижодий ҳисоботида айланди. Дрезден шаҳрида ташкил этилган бу концертда санъаткорнинг ўнга яқин асари ижро этилди.

Композитор ҳозир Москва гастролга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Россия пойтахтидаги Чайковский концерт залида намойиш қилинадиган мусиқали дастурдан унинг янги ижод намуналари ўрин олди. Шу сафар давомида яна бир хайрли иш амалга ошириладиган бўлди. Янги мусиқали альбомга киритиладиган тароналар Москвадаги «Замонавий мусиқа ансамбли» ижросида ёзиб олинади. Композитор кўшиқларини севиб ижро этиб келаётган истеъдодли хонанда Анна Гузаирова ансамбл жўрлигида Д.Янов-Яновскийнинг бир неча таронасини ижро этади. Композиторнинг навбатдаги мусиқали альбоми яқин орада Парижда ҳам сотувга чиқарилади.

Акбар АЛИЕВ

## ҲИНДИСТОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН АКСИ

Ҳиндистонда кўп нусхада нашр этиладиган халқаро масалаларни ёритувчи "INDIA" журналининг сўнгги сони "Ўзбекистон ҳақидаги махсус сон" номи билан чоп этилди.

Нашр муқовасида битилган "Дўстлик — бу муҳим масаладир" деган умумий сарлавҳа остида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Ҳиндистон Республикаси Президенти Абдул Каламининг рангли суратлари ёнма-ён чоп этилган бўлиб, журналнинг илк саҳифаси бугунги Ўзбекистоннинг ҳиндистонликларга таништирув мақоласи билан бошланади.

"INDIA" журналининг ушбу махсус сониди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловлар мавзусига ҳам алоҳида саҳифалар ажратилган. Хусусан нашр бош муҳаррири, профессор Анил Шриваставнинг "Ўзбекистон Республикаси: илк маротаба икки палатали парламент-

га сайловлар арафасида" сарлавҳали мақоласида мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган парламент ислохотлари, бу борада яратилган мустақам ҳуқуқий замин, сайловларда фаол иштирок этаётган сиёсий партиялар тўғрисидаги барча зарур маълумотлар атрафлича баён этилган.

Бундан ташқари, республикамизда долзарб ижтимоий-сиёсий масалалар мавзусига бағишлаб ўтказилаётган турли халқаро анжуманларга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, "Ўзбекистонда эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари" сарлавҳали мақолада ошқоралик, демократия тамойиллари асосида ташкил қилинган сайловлар-

га пухта тайёргарлик кўрилгани, шу мақсадда мустақам ҳуқуқий асос яратилгани билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳинд журналисти Ражниш Ровшаннинг "Ўзбекистон: барқарор ислохотлар йулидан" сарлавҳали мақоласида 13 йиллик мустақил тараққиёт даври мобайнида Ўзбекистон иқтисодий жабҳада кўлга киритган улкан муваффақиятлар кенг ёритилиб, қуйидаги мулоҳазалар зикр этилган: "Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун барча зарур кулайликлар, имтиёз ва кафолатлар яратиб берилгани, бугунги кунда Зарафшон-Ньюмонт, ЎзДЭАавто, СамКочавто сингари кўплаб қўшма корхоналар мамлакатда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда".

"INDIA" йирик нусхаларда чоп этиладиган нашрлардан бири бўлиб, у нафақат Ҳиндистонда, балки Буюк Британия, АҚШ, Непал, Сингапур ва дунёнинг бошқа яна кўпгина мамлакатларидаги журналхонлар ўртасида ҳам севиб ўқилади.

Шухрат УМИРОВ,  
"Жаҳон" АА мухбири,  
Дехли.



Бу борада маийший хизмат соҳасида тадбиркорлик билан иш юритаётган хотин-қизларимизнинг ўрни алоҳидадир. Бу қувонарли ҳол албатта.

Чилонзор туманидаги «Грация» маркази раҳбари Мунира Капкаева бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур гўзаллик яратувчи маскан 5 йилдан буён миҳозларни мамнун қилиб келмоқда. Уларнинг хоҳиш-истак-

### Маийший хизмат

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Кейинги йилларда аҳолига намунали маийший хизмат кўрсатиш даражаси анча кўтарилганлиги аёлларимизнинг оғир юмушларини бир қадар енгиллаштириб, кўпроқ вақтларини фарзандлари тарбиясига бағишлашларига имконият яратмоқда.

ларига биноан хизмат турларини кўпайтириш асосида иш сифатига асосий эътиборни қаратмоқда.

Гўзаллик марказида аҳолига косметология, сартарошлик, маникюр, тирноқ парвариши, визаж ҳамда килирик ўстириш услалари намунали хизмат кўрсатмоқдалар. Салонда миҳозларга кулайлик яратиш мақсадидида замонавий ускуналар ҳамда жиҳозлар ўрнатилган. Марказида юз терисини даволаш, депиляция, татуаж каби малакали хизмат турлари ҳам кўрсатилади.

Мунира опа етук косметолог, сартарош бўлибгина қолмай, ибратли, хайрли ишни йўлга қўйган — салонда ўқув марка-

зини ҳам бошқармоқда. Бугунги кунга келиб, унда тахсил олган кўпгина қиз-жувонлар гўзаллик салонлари ва сартарошхоналарда мустақил равишда фаолият юритмоқдалар.

Айни кунларда ҳам 4 кишидан иборат 2 та гуруҳда тахсил давом этмоқда. Машғулотларни қизиқарли ҳамда эсда қоларли қилиб ўтказиш учун Мунира опа тадбиркорлигини тўла намойиш қилади — у қатъий режа асосида 2-3 та дарсдан кейин амалиётни ўтказиши.

Тадбиркор аёлнинг истиқбол режалари улкан. Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда келгусида марказни кенгайтириш ҳамда



хизмат турларини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйган.

Муҳаббат  
ХАБИУЛЛАЕВА  
СУРАТЛАРДА: «Грация»  
марказининг раҳбари Мунира Капкаева (чапда) иш жараёнида; гўзаллик яратувчи шогирд устози ўғитларига қатъий амал қилади. Алексей Попов олган суратлар.

Янги тартибга мувофиқ солиқ тизими ходимлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмоқ қилинган электр энергияси учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши устидан назорат қилиб бормоқдалар, тўланмаган қарзларни ундиришга кўмаклашмоқдалар. Бу тартиб ўз навбатида энергетика корхоналарининг моддий-техник базасини мустақамлашга ва энергетикларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга кўмаклашмоқда.

Сир эмас, халқ ҳўжалигининг муттасил ривожланиб бориши энергияга бўлган эҳтиёжни ошираверади. Шу боисдан мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва янги-янги энергия манбаларини яратиш талаб этилади.

Мамлакатимизда энергия ҳосил қилишнинг кенг имкониятлари мавжуд. Тарихга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган даврда Ўзбекистонда гидроэлектростанциялар қурилишига алоҳида эътибор берилганлигини сезамиз. Фарҳод ГЭСи, Бўзсув ГЭСи, Чирчиқ ГЭСлар каскади қурилишлари бунга мисолдир. Техникавий жиҳатдан фойдаланишга яроқли гидроэнергия ресурслари йилга 250 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш имконига эга. Уларнинг иссеқлик электр станцияларига нисбатан кўпгина афзал то-

монлари бор. Жумладан, иссеқлик электр станциялари ҳосил қилинган энергиянинг 5-6 фоизини ўз эҳтиёжлари учун сарфласа, гидроэлектростанцияларда бу кўрсаткич бир фо-

### Маҳсий фикр

## ҚЎШИМЧА ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланиш учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустақамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари асосида мамлакатимизда электр энергиясини ҳисобга олишнинг мақбул усуллари жорий этилмоқда.

изни ташкил этади. Бундан ташқари гидроэлектростанциялар экологияга ортиқча зарар етказмайди.

Энергия исрофгарчилиги уни узоқ масофаларга узатишда ҳам сезилади. Исрофгарчиликнинг олдини олиш учун маҳаллий худудлар эҳтиёжини қондирувчи ихчам энергетика иншоотларини қуриш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон шароитида бу соҳада қўш энергиясидан фойдаланиш яхши самаралар бериши мумкин. Ҳисоб-китоблар бўйича мамлакатимизда қўш энергиясидан бир йилда 3 миңг соат-

гача фойдаланиш мумкин экан.

Қўш энергиясини электр энергиясига тўғридан-тўғри айлантиришнинг термозэлектрик, фотозэлектрик ва фототальваник усуллари мавжуд. Булар орасида энг мақбули фотозэлектрик усулдир. Бунда ярим ўтказкич ҳисобланган кремнийдан фойдаланиш мумкин. Кремнийдан ясалган қўш батареяларнинг фойдали иш коэффицентини 20 фоиз юқори бўлади. Бу йўналишда қўш печларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда параболик кўзгу ёрдамида қўш нури фокаль нуқтадаги қозонга йўналтирилади. Нур таъсирида қозондаги сув буғланиб турбиналарни ҳаракатга келтиради ва генератор ток ишлаб чиқара бошлайди.

Шамол турбиналарини ҳам худудларда электр энергияси ҳосил қилишнинг энг мақбул усули дейиш мумкин. Мамлакатимиз шароитида ўртача шамол тезлиги секундида 5 метрни ташкил этади. Шу боисдан шамол турбиналари эртаю-кеч энергия ҳосил қила олади. Бундай усуллар бир жиҳатдан арзон энергия ҳосил қилиш имконини берса, иккинчи томондан экологияни бузмайди. Шундай усуллар билан бора-бора иссеқлик электростанцияларидан воз кечса бўлади.

Карим МУҲАМЕДОВ,  
Тошкент Молия институти талабаси.



## Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб  
Домо бўлиб...

● Айтишларича, гаштосиб кунлардан бирида ўз ватанидан айрилиб, Кустантия шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Ейишга нарса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззат-нафис йўл кўймас эди. Унинг ёнига ёшлиги тушди. У болалик пайтида мактабга бораркан, йўл четида жойлашган темирчи дўкони олдида бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта ясашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мунча воқиф бўлиб қолган эди. Гаштосиб кўп уйлаб ўтирмай темирчилар олдига борди ва уларга деди:

— Эй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гаштосиб бир неча муддат ишлаб пул йигди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини касбу хўнар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида хўнар ўргатишга фармон берди.

● ХИКОЯТ. Бир киши ўз ўғлини ҳаёт учун зарур бўлган баъзи фанларни ўрганиш учун бир муаллимга топширди. Байт:

**Дунёнинг қарори  
илм биландир,  
Илмсиз кишига  
йўқдир эътибори.**

Бир кун муаллим онасига шикоят қилиб: «Ўғлинг илм ўрганишга унамаябди, вақтини ўйин-кули билан зое ўтказмоқда» — деди. Байт:

**Хар инсон илмдан  
тополса баҳра,  
Иши ўқиш ила  
саволу жавоб!**

Онаси муаллимдан: «Билолмаднингми, унинг табиати қайси касбга мойил, ҳаракати қайси ишга қобил?» деб сўради. Муаллим: «У касб ўрганишдан ўтиб, қобилиятдан махрум бўлган. Билишимча, унинг хотири махбуб учун нигорон, дили эса машуқ юзига ҳайронга ўхшайди».

**Ўзи меҳнатга ожизу  
боши савдога лик тўла,  
Бугун эртанинг фикри  
ҳақида ўйламас асло!**

Агар мен илму иймондан савол қилсам у васлу ҳижрондан гапирари, агар мен ахлолу харомдан ҳикоя қилсам у зулфи ила ҳолдан оғиз очади». Онаси деди: «Ишк кўчасидан юришининг оқибати саломатлик бўлмаса ҳам, аммо бу йўлдан юриш маломат ҳам эмас! Ишк изтиробли бўлса ҳам, аммо ошққ бўлиш ихтиёрий эмасдир! Байт:

**Домга тушган ночор  
қушининг холини,  
Озод юрган бургут  
билмас ҳеч қачон.**

**Қафасдаги булбул  
нолишчи эса,  
Ёр-ла юрган каптар  
сезмас беғумон.**

Уни озод қил! Ишқдан шундай хосият борки, у кишини лаптофатли, назокатли ва хушёр қиладди!

Байт:

**Хар кимсанинг боғи ила  
бўстонлари бўлса ҳам,  
Хушнуд эмасдир ҳаргиз  
унда ёри бўлмаса.**

**Кўнгил бермоқ бировга,  
ҳаётнинг ўзи шулдир,  
Жонсиз сувратдир  
кимнинг гулузори  
билмаси.**

## ГЕРМАНИЯЛИК ЛЮДВИГ КРАЙТНЕРГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

Яқинда мамлакатимиз пойтахтида "Hewlett-Packard" компанияси ва Тошкент фотография уйи томонидан ўтказилган "Ўзбекистон: сеғги изхори" фототанловида яқун ясалган эди. Унинг голиблари орасида германиялик Людвиг Крайтнер ҳам бор. Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида унга голиблик дипломи, рақамли фотокамера ва фотопринтер тантанали равишда топширилди.

Л.Крайтнерга мукофотни Ўзбекистоннинг Германиядаги элчиси И.Мустафоев топширди.

Шундан сўнг маросим чоғида Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ўзгаришлар, хусусан, ҳалқимизнинг маънавий мероси бўлмиш тарихий осори-атикаларни муҳофаза қилиш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар хусусида сўз борди. Шунингдек, турли жабҳаларда бўлгани сингари

сайёҳликни ривожлантириш бўлган эътибор минглаб хорижликлар учун Ўзбекистонни янгитдан кашф этишга, унга бўлган меҳр-муҳаббатни янада ошишига хизмат қилаётгани таъкидлаб ўтилди. Людвиг Крайтнер мамлакатимизга қилган сафари сермазмун ўтганини эътироф этиб, узок ўтмишга эга бўлган бетакрор ва мафтункор Ўзбекистон дёвирга қизиқиши катта эканини билдирди.

— Мамлакатингизга сафарим давомида гўзал ва бетакрор тарихий обидаларни катта ҳайрат билан суратга олдим, — дейди Л.Крайтнер "Жаҳон" агентлиги муҳбирига берган интервьюда. — "Ўзбекистон: сеғги изхори" фототанловида мукофот соҳибига айланганим менда катта фахр-ифтихор ва мамнуният ҳиссини уйғотди. Шундай бой тарихга эга мамлакатингиз тараққиёт сари интилишда ўз олдига қўйган ҳамма вазибаларни муваффақият билан амалга ошириши ҳамда бу йўлдаги ҳар қандай қийинчиликни собитқадамлик билан енгишига ишончим комил. Фурсатдан фойдаланиб, бағри кенг, меҳмондўст ўзбек халқига Янги йилда улкан зафарлар тилайман.

**Бахриддин АСЛАНОВ,  
"Жаҳон" АА,  
Берлин.**



Бола кўзларида акс этар олам.

Кайфиятим бузилди. Кўлим ишга бормай қолди. Доктор ёзиб берган дорилардан ичиб, сал ўзимга келгандай бўлдим. Шу вақт телефон жиринглаб қолди. Гушакни кўтарган эдим, бошлиқнинг «Олдимга кириңг» — деган овозини эшитдим.

Салом бериб, раҳбар хонасига кирдим.

— Берухсат қаерларда юрибсиз? — деди жаҳл билан у.

— Нега берухсат бўлар экан. Ахир, бош директордан сўраган эдим. Докторга борганлигим ҳақида мана, маълумотномам ҳам бор, — дедим.

— Унда бош директорни чақириб келиңг, — деди у.

Бош директорни топиб, унга бошлиқ чақиратганлигини айтдим. Биргаликда яна раҳбар олдига кирдим.

— Эрталаб бу кишини сўраганимда, қаердалигини билмайман, деган эдингиз-ку? — деди.

— Сизга тўғри айтган эдим, бу кишини ўзим ҳам излаб топа олмаганим. Айни шу пайтда сиз сўраб қолдингиз, — деди катъийлик билан уялмасдан у.

— Ёлгон гапирмасангиз-чи, гувоҳим бор, сиздан жавоб сўраганимда котиба қиз ҳам бор эдик, — дедим.

— Нима қиласиз котибани аралаштириб, — деди у.

Бундай иккиюзламачликдан ниҳоятда нафратли ортди, жуда ҳам орғиндим. Шундай қилиб, бошлиқ мени ёлгончига чиқарди ва эггаллаб турган вазирамдан озод қилмоқчи бўлди. Ушанда мунофиқчиликнинг қурбони бўлишимга оз қолганди. Ахир, бош директорнинг котибасига «Жавоб сўраганимга сиз гувоҳлик беринг», дейишга, бир томондан эркаклик ориятим кучлилик қилса, иккинчи томондан алломиш келбат, ўзи юқори идораларда масъул вазибаларда ишлаб келган эркак кишининг мунофиқона ҳолатидан кейин, тўғриси андишага ҳам бориб қолдим. Айни шу кунларда котиба қизнинг ўзи қандайдир бир юмуш билан хонамга кириб қолди.

— Э, сизга нима бўлди ўзи? Бунчалик тушкун кайфиятда сизни кўрмаган эдимку? — дея сўради.

Ноилоҳдан, юқоридаги бошлиқ билан бўлиб ўтган воқеани унга айтиб бердим.

— Наҳотки, бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир, мен гувоҳман-ку, — деди котиба қиз ва шундай бир ҳажонда хонадан чиқиб кетди. Бироз фурсатдан сўнг ашиқ тақиллаб, яна хонага қайтиб кирди.

— Раҳбаримиз олдиларига кириб, гувоҳлик бериб келдим. Сизни олдимга кирсинлар дедилар, — деди у.

— Яхши қилмабсиз-да!

— Нега энди, сиз ноҳақлик жабрини тортар экансиз. Айнан бу кишининг мунофиқлиги туйғайли ҳам бир неча ходимлар ишдан

бўшаб кетдику?, — деди котиба қиз.

Дарҳақиқат, раҳбаримиз олдиларига кирдим.

— Ҳайбатилла ака, аввало мени кечиринг. Бош директор «Билмайман, хабарим йўқ, жавоб бермаганман», дедилар ўшанда. Мен унга ишонайинми ёки сизга

Мунофиқлар бойлик орттириш ва мансабга эришлик йўлида доимо икки йўлдан юрадилар. Улар ўта қув, ҳар қандай шармисизлик ва иккиюзламачликдан қайтмайдилар. Уларнинг налғмаси, худди ўйинчининг оёқ олишига ўхшаб кетади. Улар нафсдан ҳам, ҳирсдан ҳам, ҳар қандай

### Маънавий сабоқлари

## МУНОФИҚЛИК — ЮЗИ ҚОРАЛИК

Ҳайбатилла аканинг фиғонлари фалакка чиққан, дарга-заб бир ҳолатда эдилар. Сабабини сўраган эдим:

— Эй, нимасини айтасиз. Ёшим олтимишдан ошиб, шу даргоҳда ўттиз беш йилдан буён ишлаб келаман. Шу ўтган йиллар мобайнида ўн еттита раҳбарни кўрибман. Ҳозирги раҳбаримиз антиқа чиқиб қолдилар. Ходимларнинг ёши ҳам, обрў-эътиборини ҳам назарга олмайдилар. Шу десангиз йўлақда кетаётганимда у кишига дуч келиб қолдим. «Ассалому алайкум!» деб салом бердим. Саломга алик ҳам олмасдилар. «Қаерда юрибсиз, ишда кўринмайсиз, хоҳламангиз ўрнингизни банд қилманг», — деди у. «Эрталабдан ишдаман, орада бир поликлиникага ўтиб келгандим», — дея жавоб бердим. «Кимдан сўраб кетган эдингиз?» — деди яна у. «Бош директорга айтган эдим» — дедим. «Ҳозир қайтаман, олдимга кириңг» — деди-ю йўлга равона бўлди.

ми? Баъзан, катта-катта идораларда ишлаб келган, кўпни кўрган тажрибали одамлар ҳам ёш раҳбарларни қийин вазиятга солиб қўяр экан. Билмасдан туриб, ёлгон гапларга ишониб, сизга ўхшаган ҳокисор одамларнинг ҳам дилига озор бериб қўйибман. Мени, яъни фарзандингиз тенги уангизни кечиринг, — деди хижолатпазлик билан бошлиқ.

— Котиба қизимизга раҳмат! Аёл бўлсалар ҳам эркак кишининг дадиллигини қилдилар. Яхши ҳам орамизда шундай ажойиб ходимларимиз бор экан, бу биринчиси эмас. Бундайлар амал учун мунофиқлик қилади, виждонсизлик қилиб, иймонини сотади. Ана шундайларнинг қилмишидан ҳар биримизни Худонинг ўзи сақласин! — дедим мен...

— Азизлар, юқоридаги воқеа туйғайли ҳам мунофиқлик ҳақида сўз юритишни лозим деб топдик. Одатда мунофиқ кишиларнинг тили бошқа-ю, дили бошқа бўлади. Бундайларнинг сўзи билан иши бир-бирига мутлақо тўғри келмайди. Аслида мунофиқларнинг самимиети сунъий бўлади. Улар иккиюзламачи ва икки қаёғали одамлар жумласига қиради.

Мунофиқ кишиларнинг доимо бир юзи қора бўлади. Баъзида қилмиши ва юзи қора дейилганда ана шундай тоифадагилар назарга олинади. Мунофиқона дейилганда хаёнаткор, самимиети йўқ, виждонсиз кишиларнинг хатти-ҳаракати, бир-бирини алдаши тусулинилади.

қабохатли ишлардан ҳам кўрқишмади.

Мунофиқ кишиларнинг яқинларидан яна бири хиёнатчилардир. Улар субустсиз, аҳдди ва лафзини бузувчилардандир. Бировларнинг ишониб топширган нарсасини суиистеъмол қилади, яъни улар ўз ваъдасига вафо қилмайдилар. Бундайларнинг иши ҳам, сўзи ҳам икки хил бўлади. Аслида хоинлар, хиёнатчилар ва сотқинлар мунофиқлардан чиқади. Ватанфурушлар, вафосизлар ҳам мунофиқ кишиларнинг сафдошлари ҳисобланади. Бундайлар чин муҳаббатни поймол этади ва оиладек муқаддас туйғуларни оёқ ости қилиб, норасида гўдакларни ташлаб кетишади. Шу боис ҳам яхшилар мунофиқликини энг жirkan иллатлардан деб биладилар.

Мунофиқликнинг айрим белгилари, кўринишлари оид муборак ҳадислардан зарурый қайдиларди, шу ўринда зикр қилиб ўтишни лозим деб топдик. Одамлар ичда чақмчилик ва бўҳтон гапларни тарқатиш, ёлгон гапирлиш, одамларнинг ўзаро муносабатларини бузиш, бузғунчилик, фитна ва гулу солишлик йўналиши кишига охи эмас. Дўстларни бир-биридан айирришга, қариндошлар орасига нифоқ солишга ҳаракат қилганларни Оллоҳ таоло ёмон махлўқлардан деб билади. Кўриниши чиройли бўлсада, қалбида ёвузлик ва ёмонлиги бор, миш-миш уюштирувчиларни қўймади кун Оллоҳ таоло мунофиқлар сафига қўлади. Демак, ёлгон гап тарқатишлик,

яхши муносабатларга раҳна солишлик, аҳиллик ва тинч-тотушликни бузишлик каби салбий ҳолатлар ҳам мунофиқликнинг бир кўринишидир. Ана шулар туйғайли ҳам жуда кўплаб соф важдонли, ҳалол ва покиза инсонлар кўп захмат ва азоб чекишади.

— Мен, — дейди Қувончбек ака деган танишим — маҳалламиздаги бир нокас инсонни яхши биламан. Нуқул буни унга, уни бунга ёмонлаб юради. айниқса, софдил одамлар бу мунофиқнинг қилмишидан кўп озор чекади. Тўйда ҳам, маъракада ҳам мунофиқлигини қилади у. Шу мунофиқ дастидан маҳалламиздаги ҳаммага ибратли, яхши бир оила бузилиб кетди. Эрига у деган, хотинига бу деган, кичик бир ўқундан катта бир оловни чиқарган эди.

Бундай мунофиқларда иймон бўлмайди. Уларнинг қилмиши чаёнга ўхшаб, икки томонни пинҳон тарзда бир-бирига қайраб, захарлаб, ўз манфаати йўлида фойда кўради, айниқса. Мунофиқлик — ёмон иллат, унинг нафи бўлмайди, фақат зиён, захмат бор. Мунофиқлик соғлом муҳитнинг душманидир.

Мунофиқлар туйғайли дўстлар душманга айланади. Муҳаббат ва сеғгининг ҳам қушандаси мунофиқликдир. Мунофиқлар яхши одамлар орасини бузиб қўяди. Ивво, физку фуҷур, ёлгон гапларни тарқатувчилар, баҳил ва ҳасадчилар, аслида мунофиқлардандир. Буларнинг қувлиги, ўзини сизга яқин қилиб кўрсатади. Олимни олимага, устозни шогирдга, қўшини кўшига ёмонлаб юради. Мунофиқлар жуда ҳийлагар бўлади. Уларни тугиб фақат, қилмишини очиб ташлаш олоқчилаштириш, фақатгувоҳлар орқали амалга ошиши мумкин.

Шунинг учун ҳам бир гапни эшитганда, бирдан қизишиб кетмасдан, унинг ортини бир неча бор суриштириб, аниқ, тўғри хулосага келибгина, сўнг иш кўрмоқ маъқул. Бўлмаса, мунофиқнинг фойдасига хизмат қилинади ва софдил, ҳалол одамлар ноҳақ айбли бўлиб, ноўрин жазоланиб қолиниши ҳам мумкин.

Ҳаётнинг ўзи бир мактаб. Унинг ўқувчиси бир хил, бир кўринишда бўлмайди, албатта. Демак, хушёрлик, огоҳлик ҳар бир соф виждонли инсоннинг ўзига боғлиқ экан. Мунофиқлар бемехр бўлишади. Улар эккан тераклар жуда ҳам заиф ва мўрт бўлади. Бахтли инсонларни бебаҳт қилган, ширин таомларини захарга айлантирадиган мунофиқларга қарши тарбияни, аввало оиладан, сўнг маҳалла-қўйдан, таълим мактабларидан бошлаб тўғри йўлга қўймоқ орқалигина мунофиқликнинг олдини олишимиз мумкин бўлади.

**Абдулхамид  
ҲАБИБУЛЛАЕВ,  
доцент.**

## Муфта олам

ХАЁТГА  
ОШУФТАЛИК

«Асосий инстинкт» фильмининг суратга олиш пайтида вачлар кинолуду Шарон Стоуннинг лимфа безларида рак касали борлигини аниқлашди. Шуниси қизиқки, «асосий инстинктига» қулоқ солган Шарон кимёвий муолажалардан воз кечди. Бунинг ўрнига у турмуш тарзини кескин ўзгартирди: кучли овқатлар тановул қила бошлади ва гомеопатлар муолажасидан фойдалана бошлади. Буни қарангки, мўъжиза юз берди — шиллар йўқолди. Айни пайтда 37 ёшни қаршилаб турган киноактриса дарди фориғ бўлгани учун аввало ўздан, ҳаётга ошuftа эканлигидан мамнун.

ЎЛИМ  
ЖАЗОСИДАН  
БАТТАР

АҚШда Кристофер Харрис устидан антиқа ҳукм чиқарилди. Ўғирлик қилгани ва одам ўлдиргани учун уни 117 йилга озодликдан маҳрум қилишди.

Суд ҳаками Кристофер Харрисга чиқарилган бу ҳукм унга камлик қилади, деди. Шунинг учун қўшимча жазо чораси сифатида Харрис ҳар кунни киноят содир бўлган жойда олинган фильмини кўриши, ўз қурбонларининг оилавий альбомини варақлаши, азадор қариндошларининг мактубларини ўқиши мажбур қилиб қўйилди. Бу хол қамоққа тушган биринчи кундан охиригача давом этади — ўлимдан ҳам баттар жазо, деб шунга айтишга керак.

ДЕНГИЗ СУВИНИ  
ОЛИБ ЮРИШ

Маълумки, Италияда кўпдан буён ош тузи ишлаб чиқаришда давлат монополияси ҳукм суради. Иккинчи Жаҳон уруши даврида кўплар бу коидани бузишганди. Гарчанд, бу гуни кунда денгиз сувидан ош тузи ишлаб чиқариши билан ҳеч ким шугулланмасда, қачонлардир қабул қилинган қонун ўз кучини сақлаб келмоқда.

ЮЗИМ ТИНИК  
БЎЛСИН  
ДЕСАНГИЗ

Можаристондаги Кешешфервар шаҳрида истиқомат қилувчи Илона Ковачини айтишчи, тил ҳам юзнинг тиниқ ва соғлом бўлишида катта аҳамиятга эга экан. Чунки, тилнинг юзасида таъм сезувчи безлар жойлашган. Бундан ташқари, тилнинг юзаси инсон соғлигини акс эттирадиган ўзига хос бир ойна вазифасини ўтади. Ундан организмда мавжуд бўлган барча, жумладан, захарли моддалар ажралиб чиқади.

— Шунинг учун ҳам, — дейди Ковач хоним. — Мен ҳар кунни эрталаб тилм юзасини қоплаб олган моддалардан тозалайман. Кумуш чой қошиқчаси воситасида тилнинг тубидан учигача 5-7 марта юргизаман. Натижда организм ҳар хил керасиз моддалар, шунингдек касаллик пайдо қилувчи бактериялардан халос бўлади.

Илона 40 йилдан буён шу усулни қўллаб келмоқда, шунинг учун ҳам унинг ташқи кўриниши кўркам ва соғломдир.

СПОРТ — ЭЗГУЛИККА  
ЕТАКЛАЙДИ

Меҳнат аҳлини соғломлаштириш, спортнинг оммавийлигини ошириш, ёш истеъдод эгаларининг камол топишига эътибор қаратиш касабаси уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Меҳр ва муруват йилга бағишлаб яқинда Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг спорт залида 8 та тармоқ касабаси уюшмалари шахар ташкилотларининг иштирокида мини-футбол бўйича фахрийлар ўртасида анъанавий бешинчи турнир бўлиб ўтди. Мусобақа қатнашчилари икки гуруҳга бўлинган ҳолда беллашдилар. Кескин спорт курашлари остида кечган қизиқарли баҳсларда гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар кейинги босқичга чиқиб, ҳурмат шохсупасининг юқори поғоналарини забт этиш учун бор маҳоратларини намойиш этиб, чиройли ўйинлари билан барчага завқ-шавқ бағишладилар. Ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлган

мусобақаларда ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касабаси уюшмасининг жамоаси турнир голиби бўлди. Енгил, мебель саноати ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касабаси уюшмаси шахар кўмитасининг жамоаси фахрли иккинчи, автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг шахар бўйича вакиллик жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Голиб ва совриндорлар Кубок ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг шахар бўйича вакиллик жамоасининг аъзоси Р.Ишмурзин «Энг яхши химо-

байрамларидан кейин юз бераётганини ҳисобга олган ҳолда ботулизм касаллигининг келиб чиқиш омиллари ва уларнинг олдини олиш борасида маълумот беришни жоиз деб ҳисоблади.

Ботулизм — бу таркибда ботулизм микроблари бўлган овқатлар истеъмол қилинганди вужудга келадиган ва

баж ҳосил қилади. Консерва сувоқлигида тиниқлик йўқолади, у очилганда кислотод кириши билан ботулизм таъми оқсанининг вегетатив тури нобуд бўлади ва шу жараёнда ўзидан экзотоксин — захар чиқаради. Айнан шу маҳсулот истеъмол қилинса, ундаги захар ичак орқали қонга сўрилиб, бутун организмга

шифокорга мурожаат қилиш тавсия қилинади. Ботулизм билан хасталанган беморларни уй шароитида билар-билмас даволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун беморни зудлик билан шифохонага ётқизиб, замонавий тиббий муолажалар ўтказилишига керакли самара бериши мумкин.

Ботулизм билан хасталанишнинг олдини олиш учун қуйидаги оддий қошдаларга қатъий риоя қилишни тавсия этамиз:

— Бозорларда ва аҳоли гавжум бўладиган жойларда фуқаролар томонидан сотилаётган номаълум шароитларда тайёрланган, сифати кафолатланмаган сабзавот-мева консервалари, дулланган гўшт ва балиқ маҳсулотларини харид қилманг.

— Озиқ-овқат дўконидан гўшт, балиқ, қўзиқорин ва сабзавот-мева консерва маҳсулотларини ҳамда дулланган гўшт, балиқ маҳсулотларини харид қилишдан олдин, уларнинг гигиеник ҳамда мувофиқлик сертификатларига эгаллиги тўғрисидаги маълумотни талаб қилинг.

— Дўконлардан консерва маҳсулотларини харид қилишдан олдин, уларнинг сақлаш мuddатлари ўтиб кетмаганлигига, идишларнинг бутунлигига, қопқоқларининг шишмаганлигига эътибор беринг. Сақлаш мuddати ўтган, қопқоғи шишган (бомбаж), деформацияланган, ёриқсиз ҳамда гигиеник ва мувофиқлик сертификати эга бўлмаган консерва маҳсулотларини асло харид қилманг.

Ушбу тавсияларга амал қилмасдан, ботулизм хасталигига чалинган беморда касалликнинг аломатлари намоеън бўла бошлаши билан уни зудлик билан тиббий муассасага элтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги қошдаларга риоя этсангиз ўзингизнинг ва яқинларингизнинг саломатларини ҳимоя этган бўласиз.

Сифати кафолатланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол этиш — соғлиғимиз гаровидир.

**О. НИГМАНОВ,**  
Акмал Икромов туман  
Давлат санитария-  
эпидемиология назорати  
маркази  
Овқатланиш гигиена  
бўлим санитария врач

## Мутоҳассис таслаҳати

БОТУЛИЗМ —  
ХАВФЛИ ХАСТАЛИК

Жорий йилнинг 15 декабрь куни бемор Н.Миркомиллова овқатдан ўткир захарланиши — ботулизм хасталигида гумон этилиб шифохонага ётқизилганлиги тўғрисида шови-лиқ хабарнома келди. Зудлик билан тезкор чора-тадбирлар ўтказиш гуруҳи ташкил этилиб, эпидемиологик изланишлар бошланди. Бунда бемор тузланган балиқ истеъмол қилганлиги ва орадан бироз вақт ўтган хасталик аломатлари кузатирилганлиги маълум бўлди. Беморга реанимация бўлими зарурий тиббий ёрдам кўрсатди. Лаборатория тадқиқотлари учун намуналар олиниб, изланишлар олиб борилди...

оғир кечадаган овқатдан ўткир захарланишидир.

Бу хасталикнинг А, В, С, Д, Е, F турдаги микроблари маълум. Ботулизм таёқчаси кислотод бўлмаган шароитда тез кўпаяди. Унинг вегетатив формалари +60°C ҳароратда 10<sup>15</sup> дақиқада нобуд бўлса, споралари жуда чидамли бўлиб, 5 соат қайнатилганда ҳам тирик сақланади, ташқи муҳитда йиллаб сақланиши мумкин. Ботулизм кўзгатувчиси туپроқдан сув, мева, сабзавотлар орқали одам ва ҳайвонлар ошқозон тизими, ичакка тушиб кўпаяди, сўнгра нафас билан ташқарига тарқалади. Ботулизм кўзгатувчилари кучли таъсир этадиган ботулотоксин-захар ишлаб чиқаради.

Одамда касаллик ботулизм микроблари ёки токсинлар тушган овқатни истеъмол қилиш натижасида вужудга келади. Захарланиш аксарият консерваларга технология қошдаларига эъл равишда ишлов бериш оқибатида, хондонларда тайёрланган сабзавот-мева, қўзиқорин консервалари ҳамда дулланган гўшт ва балиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида рўй беради. Ботулизм кўзгатувчилари билан зарарланган консерваларнинг қопқоғи остида газ йиғилиши натижасида, кўпинча кўтарилиб бом-

тарқалади. У асосан марказий ҳамда вегетатив нерв тизимини шикастлайди. Ботулизм токсини билан зарарланган овқат истеъмол қилинганди дан сўнг маҳсулот таркибидеги токсин микдори ва турига қараб, касалликнинг яширин даври 2 соатдан бир-неча кунгача бўлиши мумкин. Касаллик одатда, тўсатдан бошланади ва бемор унинг бошланган вақтини аниқ айтиши мумкин. Беморнинг боши оғрийди, тинкаси қурийди, кўзи тинади, ҳолсизланади, кўнгли айнаб қусади, уйқуси қочади, қорин соҳасида оғриқ пайдо бўлади, юраги тўхтаб қолаётгандек туюлади, оғиз қурийди, ташна бўлади, қорни дам бўлиб 1-2 маротаба ичи кетади, ютиниши қийинлашади, кўз хиралашади (буюмларнинг равшан кўринмаслиги ва уларнинг кўшалоқ кўринишлари, диплопия), кўз қорачигининг кентайиши, қовоқларнинг озилиб тушиши, нутқнинг бузилиши ёки товушнинг бутунлай чиқмай қолиши (офония) кузатилади. Нафас олиши бузилиши мумкин, бемор нафас етишмаётганлигини долийди, тапшир туриб бирданига тўхтаб қолади, кўкрагида қисилиш, оғриқ сезгиси пайдо бўлади. Бундай ҳолатлар кузатилиганда дарҳол

**Спорт**

**ЁШЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ**

Шаҳримиз таэквондочилари мамлакатимизда спортнинг ушбу тури бўйича энг кучлилардан саналади. Йирик халқаро мусобақаларда ҳам ҳамшаҳарларимиз тез-тез галаба нашидасини суришади.

Самарқанд шаҳрида таэквондонинг VTF тури бўйича бўлиб ўтган Амир Темур Кубоги учун ilk очик турнир баҳслари ҳам фикримизни яна бир қарра исбот этади. Унда мамлакатимизнинг кўпгина вилотларидан келган 250 га яқин ёш таэквондочилар қизлар ва ўсмирлар ўртасида галаба учин кураш олиб бордилар.

Шуни қувонч билан таъкидлаш ўринлики, ҳар иккала турнирда ўнтадан, жами йигирмата вази бўйича голиблар аниқланган бўлса, ўн битта вазида ҳамшаҳарларимиз ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Жумладан, ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда 26 килограммгача бўлган энг енгил вазида ҳамшаҳарларимиз Б.Тожибоев ҳамда Н.Манавалар голиблар сафини бошқаришди. Қолган вазида ҳам В.Хе, В.Ким, М.Мухаммедов, Х.Ёкубов, У.Мирзааҳмедов, С.Цой, Г.Норбобоева, Л.Танкина, Ф.Алимова каби тошкентлик таэквондочилар турнир голиблари сифатида зафар кучишди.

Голиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**«ПАХТАКОР» МАВСУМГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА**

Ўтган йилги мамлакат чемпиони, Осиёнинг энг кучли клубларидан бири бўлмиш шаҳримизнинг «Пахтакор» футбол жамоаси янги мавсумга тайёргарликни бошлаб юборди.

Севимли жамоамиз ўқув-машқ йиғинларининг дастлабки босқичини ўтказиш учун Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетди. Бу ерда пахтакорчилар учта ўртоқлик учрашувиде иштирок этиб, ёш, умидли футболчилар ҳамда жамоага янги таклиф этилган спортчиларни синовдан ўтказишди.

Мавсумга тайёргарликнинг кейинги босқичи доирасида «Пахтакор» 15-23 январь кунлари Москва шаҳрида ўтказиладиган МДХ чемпионлар Кубогида иштирок этади.

(Ўз мухбиримиз)

**Тузатиш**

Газетанинг 2005 йил 5 январдаги сониде берилган автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоларини ўтказиш тўрисидаги эълон иккинчи хатбошисининг бошланиши 2005 йил 18 январь кунини деб ўқилишини.

Космос асрида яшашимиз, яшашимиз. Техника тараққиёти тобора юксалтишти, юксалтишти. Одамларнинг билим даражаси ортиб бораётгани, ортиб бораётгани. Ҳўш, шундай экан нега шу вақтгача олимларимиз кишилар қалбини телевизор экрани сингари тасвирлаб берувчи мўъжазгина аппарат ихтироси ҳақида бош қотиришмайдилар. Агар шундай қурилма ишланганида турмуш қуриш ҳаракатида юрган биздек бўйдоқлар учун ҳам қулайлик яратилган бўларди. Йигит-қизнинг, қиз йигитнинг қалбини аппарат орқали бир кўрса, масала узил-кесил ҳал бўларди, кўярди.

Тунов кунини Анҳор бўйидан хаёланч бораётсам, бир ёш қиз билан йигит аҳду паймон қилишяпти. Қулгошимга қизнинг «Сизсиз менга ҳаёт керакмас» деган сўзлари эшитилди. Албатта бу вафодорлик белгиси. Бироқ масаланинг лекин ҳам борда. Ҳўп айтилган уша шoirи забон қиз севган йигитига турмушга чиқса нур устига нур. Борди-ю бунинг акси бўлмаски? Демак ана шу «булбулғиё» юлдузи тўғри келган бошқа бир йигитга ҳам «Сизсиз ҳаёт менга керакмас» деган гапни такрор айтмаслигига ким ишонди. Агар мен айтган аппарат бўлганидами, қиз ўз ҳаётида мана шу ошқона сўзни неча марта такрорлагани равшан бўларди, қоларди.

Бир дўстим йиллаб қисиб-қимтианиб йиққан пулини харжлаб уйланди. Тўйимсан тўй бўлди. Висол оқшоми кечаси қадаҳ кўтариб ёшларга бахт тиламаган одам кам қолди. Тўйдан олдин дўстим бир кунини менга дил ёзиб, «Шу қизни олмасам, ўламан» деб қолди. Бўлажак келин ҳам экин дугонасига «Шу йигитга тегмасам ўламан» қабилида гап айтибди. Афсуски қиз тўйдан бир ой ўтар-

ўтмас арзмаган баҳона билан уйига жўнаб қолди. Албатта дўстим ҳам, унинг ўша собиқ рафиқаси ҳам ҳозир ҳаёт юришибди. Агар махсус аппарат бўлганида эди юқоридаги Фарҳод, Шириларнинг тўйдан олдин ноғора қоқишларига ўрин қолмасди.

Яқинда қиз билан учрашдим. Ри-соладагидек. Буни қарангки, бахтимиз қулиб кун ора учрашадиган бўлиб қолдик.

**БИР БЎЙДОҚНИНГ ОРЗУСИ**

Ҳажвия

Хиёбонда дам олиб ўтирсам, қиз дабдурустдан: «Ҳаёт жуда мураккаб экан» деб қолди. Ҳайрон бўламан. Бир зумда лоп этиб хаёлимга «Ўзи энди йигирма ёшга кирган бўлса, ҳаётнинг мураккаблигини қаердан била қолти бу доғишманд» деган фикр келди. Тагин муҳаббат уммонида кенг қулоч отиб юрганлардан бўлмасин, дея хайр-маъзурни насия қилиб жуфтани ростладим. Агар ўша аппарат бўлганидами «доғишманд» қизнинг қалби мен учун ҳамон муаммо бўлиб қолмасди албатта.

Бугун туш кўрибман. Қарангки, мен орзу қилган аппарат яратилганмиш. Бир хурсанд бўламан, бир хурсанд бўламан. Нуқул «Ниҳоят энди уйландиган бўлибман» дейман ўзимга ўзим тиржайиб. Шу чоғ бир қиз рўпарамда табассум билан пайдо бўлди. Қўлидан ушлаб аппарат ёнига келтирдим. Шунда қиз «Вой менга қисинмайсизми?» деб нозланди. Нозга бало борми? Ахир

шундай аппаратнинг яратилишини оз-мунча орзу қилдимми? Энди етдим деганда бу шаддод қиз аппаратга ҳам чап бермоқчи-я. «Аёлларнинг юз макри бор» деганлари шу бўлса керакда. Овора бўлсан, мен сен уйлаган пандавақилардан эмасман.

Баттар шубҳам ортди. Ниҳоят қиз истар-истамас аппарат рўпарасига келди. Унинг экранидеги қизил чироқ «Яхши, тоза» деган сўзларни ёритганда ҳайратдан лол бўлиб қолдим. Чунки мен макр деб уйлаган нарса ибод ва ифбат бўлиб чиқди. Таваба, шу кунини экан тасвиринида жонланган ўндан ортиқ қизларнинг ҳаммаси синовдан муваффақиятли ўтса-я.

—Қани яхши йигит, энди навбат сизга, — деб қолди ўша қиз. Кескин бурилиб шарт аппаратга солдим ўзимни. Экранга тикилиб турган барча қизлар бирдан қулиб юборишди. Қурилмани ишга солувчи кекса техник ёзувга синчков назар ташлаб бошини сарак-сарак қилганча, оғир йўталиб қўйди-да менга «Булди» ишорасини қилди. Дарҳол аппарат экранига назар ташладим. Қизил чироқ дамбадам «рашк-рашк» деган сўзларни ёритиб турарди. Ҳайронликда турсам мен ёқтирган қиз: «Вой йигитнинг гули, қалбингизнинг ҳаммаси рашкга тўлиб, Отелло бўлиб кетган экансизку. Сиздек одамлар муҳаббатнинг қадрига етармиди?» дея қўл силтаб жўнаб қолди.

Чўчиб уйғондим. Уйку қочиб, хаёл етаклаб кетди. Шундай ақлни пешлаб, ўйлаб қарасам, аввало ўша аппаратни орзу қилган биздек «нозик дидли» йигитларнинг қалби ойнадек тоза бўлса яхши экан. Аксинча аппарат ёруғида ўзимизнинг шарларимиз фош бўлиб қоларкан.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

**Турфа ҳақиқатлари**

**ТУХУМНИНГ МАЗАСИНИ ЯХШИ БИЛАМАН**

Мен сахналаштираган спектаклнинг ёмон дедингиз. Сиз ҳали битта ҳам асарини сахнага қўйганингиз йўқ-ку, спектаклнинг яхши-ёмонлигини қаердан биласиз, — деди режиссёр Афанди.

—Мен умримда тухум қилган эмасман. Аммо қовурилган тухумнинг мазасини товунинг ўзидан ҳам яхшироқ биламан, — деди Афанди.

**ҚОВУН ПИШГАНДА ОЛИБ ҚЎЯМАН**

Афанди пьеса ёзиб театрга топширибди, театрнинг бош режиссёри асарнинг бир пардасини сахналаштирибдию қолган қисмини «эрта қўяман, индин қўяман» деб галга солиб юраверибди.

Сарсонлик хонига тегиб кетган Афанди бир кун режиссёрга бундай дебди.

—Ука, асарнинг давомини қачон қўясиз?

—Қовун пишиғида, — дебди режиссёр.

Афанди театр ёнида сартарошхона очиб, сартарошлик қила бошлабди.

**ЭЙ, АТТАНГ**

Афанди янги сахна асари бошлаб қўйганди. Бир кунини туш кўрса ўша асари сахнада қўйилаётган эмши. Афандининг олдида бир

киши келиб, шу спектаклнинг нотасини? — дебди.

—Беш юз минг берсанг сотаман, — дебди Афанди.

—Уч юз минг берай, — дебди харидор.

—Йўқ бўлмайди, — дебди Афанди.

Шундай савдолашиб турган чоғида Афанди уйғониб кетибди.

—Эй, аттанг, уч юз минг сўмга бериб юборсам бўлар экан, деб қаттиқ ачинибди Афанди.

**БИР ЎЗИМ КЎРҚАПМАН**

Спектаклнинг ярмига борганда Афанди томоша залидан чиқа бошлабди. Театр директори уни тўхтапти:

—Ха, ҳўжам, томоша ёқмади-ми, — деб сўрабди.

—Томоша ёқдию, залда бир ўзим ўтиришга кўрқяпман, — дебди Афанди.

**ПАРДАСИ ЯХШИ ЭКАН...**

Афанди хотинини ҳеч театрга олиб бормас экан.

—Афандижон, мени ҳам томошага олиб боринг, — дебди хотини унга эрқаланиб.

—Майли отлан, олиб борсам, олиб борақолай, — дебди Афанди.

Театрда ўша кунини антика комедия экан. Афанди завқланиб томоша қилибди.

Спектакль, тамом бўлгандан кейин Афанди: «Қалай, хотин томоша ёқдимми?» — деб сўрабди.

—Томошанику билмайман, аммо сахнанинг дуюбо пардаси бирам яхши эканки... Қани энди ўшандан кўрпа-кўрпача қолгасак, — дебди Афандининг хотини.

Туроб АКБАРХЎЖАЕВ тайёрлади

**Маслаҳатларимиз**

**БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ...**

- Сутта анжирни солиб қайнатиб ичсангиз, йўталдан ҳоли бўласиз.
- Қаттиқ йўталга энг яхши даво, ачиқ бодом ҳисобланади. Бодомни чақиб, кунига уч маҳал ейилади. Бодомнинг пўчоғини қайнатиб, сувини ичиш ҳам йўталга жуда яхши фойда беради.
- Овозингиз бўғилиб қолса, турп сувида гарғара қилишнинг ўзи қифоя.
- Қулоқ қаттиқ оғривса, она сунатдан бир-икки томчи томизилса, қулоқ оғригидан ҳоли бўласиз.
- Буруннинг сурункали оқшининг олдини олиш учун 200 грамм қайнатилган сувга озгина ош содаси, туз ва бир-икки томчи йод солиб аралаштириб, бурун яхшилаб чайилади. Ушбу муолажани уч маҳал қилиш тавсия этилади.



Бола: — Эшмат аками? Мен танийман. 8-қават, 45-хонада туради. Абдурасул Ҳакимов чизган расм.



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56

Ҳажими — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4689 нусxada босилди. Қўроғ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чикади. Напр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.